

## **«Ориент Финанс» Хусусий акциядорлик тижорат банки уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар**

### **1. Банк уставининг 5.3. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«5.3. Банкнинг Устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.»

**2. Банк уставининг 5.4. ҳамда 5.5. бандлари чиқариб ташлансин. Банк уставининг 5.6. – 5.17. бандлари мос равишда 5.4. – 5.15. бандлар деб хисоблансин.**

### **3. Банк уставининг 13.3. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«13.3. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилиши шарт.

Банк акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши одатда ҳар йили май ойининг 01 санасидан 31 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.»

### **4. Банк уставининг 13.7. банди ф) кичик банди билан тўлдирилсин:**

«ф) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;»

### **5. Банк уставининг 13.18. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«13.18. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.»

### **6. Банк уставига янги 13.26. банд киритилсин:**

«13.26. Банк акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи бошқарув раиси Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.»

### **7. Банк устави 14.3. бандининг з) кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«з) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;»

### **8. Банк уставининг 14.3. банди э) ва ю) кичик бандлари билан тўлдирилсин:**

«э) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Банкнинг веб-сайтида ошкор этилишини таъминлаш);

ю) Банк кенгаши қошида Банк кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;»

**9. Банк уставининг 14.28. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«14.28. Банк Кенгаши мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган банк Кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

**10. Банк устави янги 14.29. банди билан тўлдирилсин:**

«14.29. Банк кенгашининг мажлиси Банк кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг ва Банкнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.»

**11. Банк устави 16.2. банди қуйидаги мазмундаги янги 16.2.1. кичик банди билан тўлдирилсин:**

«16.2.1. Ички аудит хизмати банкнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ, ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартиб ва қоидаларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали банкнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Банкга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга